

ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Жасур Мирсаатов

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Аннотация. Мақолада аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда пенсия таъминоти тизимининг ўрни, пенсия таъминоти тизимида сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг аҳамияти очиқ берилган, шунингдек пенсия тизимининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Мақола сўнггида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: пенсия, пенсия таъминоти тизими, Пенсия жамғармаси, ўртача ойлик иш ҳақи, энг кам ойлик иш ҳақи, ягона ижтимоий тўлов, нафақалар, концепция, суғурта бадали, жамғариб бориладиган пенсия.

REFORMS IN THE PENSION SYSTEM IN UZBEKISTAN

Abstract. The article reveals the role of the pension system in the social support of the population, the reforms carried out in the pension system in recent years and their significance, and also analyzes the current state of the pension system. At the end of the article, proposals and recommendations for improving the pension system are developed.

Keywords: pension, pension system, Pension Fund, average monthly wage, minimum monthly wage, single social payment, social benefits, the Concept, insurance fee, accumulative pension.

Кириш

Ўзбекистон мустақил ва ўзининг узоқ йиллик тарихига эга мамлакат ҳисобланади. Айни дамда 36 миллиондан ортиқ аҳоли (Статистика қўмитаси, 2022) сонига эга мамлакатимиз ҳар соҳада изчиллик билан ривожланиб бормоқда. Аммо, демографик ўзгаришлар, жумладан, доимий аҳоли сонининг ошиб бориши натижасида айрим соҳаларда, хусусан, пенсия тизимида бир мунча муаммолар юзага келиши мумкин. Яъни, 2017 йилнинг ўзида мамлакат аҳолиси 533,4 минг кишига кўпайган. 2018-2025 йилларда қилинган прогнозларга кўра пенсия ёшидаги аҳоли улушининг 1,2 млн. кишига ошиши кутилмоқда. Бу эса мамлакат аҳолиси таркибида пенсия ёшидаги шахслар ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Статистика органлари маълумотларига кўра 2022 йилдан бошлаб пенсия ёшидаги шахслар сони 11 фоиздан ошади ва 2025

йилга келиб 14 фоиз даражасига етади. Шунингдек, 2016 йилдан бошлаб мамлакатда пенсия тайинлаш учун йиллик мурожаатлар сони ошган (ўртача йиллик ўсиш – 16минг киши) ва бу ўсиш 2025 йилга келиб 300 минг (Давронов, 2018) кишидан ошади.

Шу билан бирга, фуқаролар пенсия таъминоти тизимининг асосий кўрсаткичларидан бири бу пенсия ёши ҳисобланади. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, дунёда ўртача пенсия ёши эркаклар ва аёллар учун 62 ёшни ташкил этса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 57,5 ёшни ташкил этади (аёллар учун 55 ёш, эркаклар учун 60 ёш). Марказий Осиё давлатларида, масалан Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқи эркаклар учун 63 ёш, аёллар учун –58 ёш. Қозоғистонда аёлларнинг пенсия ёшини 63 ёшга етказиш, бунда ҳар йили пенсия ёшни 6 ойга босқичма-босқич ошириш йўли билан амалга ошириб борилади. Туркменистонда пенсия ёши эркаклар учун 62 ёшни, аёллар учун 57 ёшни ташкил этади.

1-жадвал

Марказий давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларидаги пенсия ёши (Пенсия жамғармаси, 2019)

Мамлакатлар	Пенсия ёши	
	эркаклар	Аёллар
Арманистон	63	63
Озарбайжон	65	63
Қозоғистон	63	58
Қирғизистон	63	58
Тожикистон	63	58
Туркменистон	62	57
Ўзбекистон	60	55

Мазкур жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, МДХ мамлакатларида пенсия ёши деярли бир хил. Ўзбекистонда эса пенсия ёши ҳозирча эркаклар учун – 55 ёш, аёллар учун 60 ёш.

Ўзбекистонда 2019-2030 йилларда давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш Концепциясига кўра пенсия ёшини босқичма-босқич ошириш масаласи асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ўзбекистонда пенсия ёшини ошириш бўйича қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

**2019-2030 йилларда давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш
Концепциясига кўра Ўзбекистонда пенсия ёшининг оширилиши (Пенсия
жамғармаси, 2019)**

№	Йиллар	Эркак	Аёл
1	01.01.2022 йилдан	60 ёш 6 ой	55 ёш 6 ой
2	01.01.2023 йилдан	61 ёш	56 ёш
3	01.01.2024 йилдан	61 ёш 6 ой	56 ёш 6 ой
4	01.01.2025 йилдан	62 ёш	57 ёш
5	01.01.2026 йилдан	62 ёш 6 оё	57 ёш 6 ой
6	01.01.2027 йилдан	63 ёш	58 ёш

Жаҳон банкининг берган маълумотларига кўра 1990 йилда дунё аҳолисининг деярли ярим миллиарддан ортиғини 60 ёшга ошганлар ташкил этган бўлса, 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 1,4 миллиардга етади (World Bank, 1994).

Бугунги кунда хорижий мамлакатлар Пенсия фондлари амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, дунё мамлакатлари аҳолисининг демографик ўзгариши, иқтисодийнинг ривожланиши сари аҳолининг турмуш тарзи яхшиланиши натижасида уларнинг ўртача умр кўриш ёшининг ошиб бораётганлиги ва меҳнат фаолияти билан банд бўлган аҳолига нисбатан пенсионерлар улушининг ошиб бораётганлиги натижасида Пенсия фондларини молиявий таъминлашда юзага келаётган муаммолар авлодлар бирдамлигига асосланган пенсия тизимидан жамғариб бориладиган нодавлат пенсия фондларини ташкил қилиш ва уларнинг молиявий даромадларини оширишда жамғарма маблағларини инвестицион фаолиятини шакллантириш ва уларни самарали бошқариш механизмларини ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда (Турсунов, 2022).

Ўзбекистон Републикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “..... пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарур.” (Мирзиёев, 2018)

Пенсия таъминоти тизими 3,7 миллиондан зиёд фуқарони ёки мамлакат аҳолисининг 10,9 фоизини ўз ичига олади. 3,1 млн.дан зиёд киши – ёшга доир, 416 мингдан ортиқ киши – ногиронлиги бўйича, 220 мингдан зиёд киши эса – боқувчисини йўқотганлиги учун, 568 мингдан ортиқ киши – ижтимоий нафақаларолади (Пенсия жамғармаси, 2022).

Бугунги глобаллашув даврида жаҳон миқёсида чуқур молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган, рақобат тобора кучайиб бораётган кескин бир шароит дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурларига ўзгартиришлар киритишни объектив заруратга айлантирмоқда, жумладан, пенсия тизимида ҳам.

Адабиётлар таҳлили

Пенсия таъминоти тизимидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, уларнинг ечимини излаб топиш ҳозирги кунда, дунёдаги демографик ўзгаришлар ва аҳолининг ижтимоий фаровонлик даражаси ошиб бориш шароитида долзарб ҳамда ечимини кутаётган масаладир. Бундай шароитда ушбу тизимда ҳукуматлараро ислохотлар олиб бориш муҳим ҳисобланади. Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш, илмий-амалий жиҳатдан ривожлантириш борасида қатор иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Хусусан, R.Disney, G.Bonoli, T.Shinkawa, Jun Peng, A.Atkinson, A.Barrientos, A.Rudolph, R. Kent Weaver, М.Федотов, Ю.Борисенко, М.Гончароваларнинг илмий ишларида, шунингдек, А.Ваҳобов, Д.Рустамов, З.Абдуллаев, Б.Маматов, Ш.Ражабов ва бошқа олимларимиз ўзларининг илмий тадқиқотларида пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш ва ривожлантириш бўйича ўз қарашларини баён этишган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот мавзуси Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимидаги ислохотларга оид бўлганлиги сабабли шу мавзу доирасида тадқиқот олиб борган иқтисодчи-олимларнинг илмий ишлари ўрганилиб, уларнинг пенсия тизимини хусусиятлари, давлат пенсия таъминотини ислоҳ қилишдаги ёндашувлари тадқиқ этилган ҳамда тизимли ёндашув, умумлаштириш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижалари таҳлили

Бугунги кунда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда, жумладан, уларнинг турмуш тарзини янада яхшилашда пенсия таъминоти тизими муҳим аҳамиятга эга. Бу эса, пенсия таъминоти тизимини янада ислоҳ этишни талаб этади. Қуйида пенсия таъминоти тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида батафсил тўхталамиз.

1. Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш. Ўтган 2018 йил ҳолатига кўра аксарият ишловчилардан ташқари қолган барча ишловчи пенсионерларга пенсиянинг 50 фоиз миқдори тўланади (Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 20.11.1995 йилдаги ПФ-1289-сон Фармони). Тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган ишловчи пенсионерлар тоифаси (ногиронлар, уруш қатнашчилари ва маълум бир лавозимлар) 2018 йил 1 май ҳолатига кўра 31 тани ташкил қилмоқда. Бироқ шу пайтгача 100 фоиз пенсия оладиган ишловчи пенсионерларнинг барча тоифалари битта тўлиқ рўйхат ҳолига келтирилмаган, улар турли норматив ҳужжатларда алоҳида кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5597-сон Фармонига кўра 2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланиши белгиланди.

2. Пенсияни ҳисоблаш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақи. Барчамизга маълумки пенсия ҳисоблашнинг ўзига хос механизми мавжуд. Яъни, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, охириги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йилдаги (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) иш ҳақи олинади. Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақи кетма-кет ишланган олтмиш календарь ойлар учун қайта ҳисобланган иш ҳақининг умумий миқдорини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади. Бунда пенсия сўраб мурожаат этган кишининг хоҳишига кўра, ишга қабул қилиш ёки меҳнат шартномасини бекор қилиш муносабати билан иш кунлари сони тўлиқ бўлмаган ойлар тўлиқ ишланган календарь ойлар сифатида ҳисобга олинади. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан ортиқ бўлмаган миқдордаги ўртача ойлик иш ҳақининг олинishi “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31 моддасида қатъий белгилаб қуйилган эди. 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб эса 8 баробардан 10 баробаргача оширилиши пенсионерларнинг пенсия ёшига етганда кўпроқ пенсия олишини кафолатлайди, албатта иш ҳақи ҳам юқори бўлса. Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев Парламентга Мурожаатномасида қуйидагича таъкидлади:

“Хабарингиз бор, яқинда ушбу масала бўйича Президент фармони қабул қилинди. Унга кўра, 2019 йил 1 январдан бошлаб, ишлайдиган барча пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланиши белгиланди.

Шунингдек, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробаригача ошириш бўйича янги тизим жорий этилмоқда.

Ислохотларнинг кейинги босқичида ушбу чекловлар ҳам бутунлай бекор қилинади.” (Мирзиёев, 2018)

Амалга оширилган мазкур ўзгаришга кўп вақт ўтмасдан Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ (Қонун, 2022) кўра 2023 йил 1 январдан бошлаб пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори чегараси пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 баробаридан 12 баробарига оширилди. Натижада 352 минг нафар фуқаронинг пенсия миқдори қайта ҳисоб-китоб қилиниб, ўртача ойлик пенсия миқдори 400 минг сўмгача ошади. Шулардан, 304 минг нафари ёшга доир пенсия олувчилар, 25,2 минг нафари ногиронлиги бўлган шахслар ва 23 минг нафари боқувчисини йўқотган шахслардир. Қонунга мувофиқ кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишда Пенсия жамғармасидан қўшимча равишда 1,5 триллион сўмдан ортиқ миқдордаги маблағлар талаб этилади.

3. Ижтимоий солиқ (ягона ижтимоий тўлов). Пенсия жамғармасининг асосий даромад манбаи ижтимоий солиқдан ажратмалар ҳисобланади. Ушбу тўлов иш берувчи томонидан умумий иш ҳақи фондидан тўлаб берилади. 2018 йил ҳолатига кўра ягона ижтимоий тўлов миқдори барча юридик шахслар учун 25 фоиз (24,8 фоизи – Пенсия жамғармасига; 0,1 фоизи – Бандлик жамғармасига; 0,1 фоизи – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига), микрофирма ва кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун 15 фоиз (14,8 фоизи – Пенсия жамғармасига; 0,1 фоизи – Бандлик жамғармасига; 0,1 фоизи – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига) этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон Қарорининг 8 иловасининг 1 бандига кўра 2019 йил 1 январдан бошлаб бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, шунингдек, устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши бўлган юридик шахслар – 25 фоиз миқдорда (99,2 фоизи – Пенсия жамғармасига; 0,4 фоизи – Бандлик жамғармасига; 0,4 фоизи – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига) ҳамда 1 бандга тегишли бўлмаган бошқа юридик шахслар – 12 фоиз миқдорида (98,4 фоизи – Пенсия жамғармасига; 0,8 фоизи – Бандлик жамғармасига; 0,8 фоизи – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига) ижтимоий солиқ тўлашлари белгиланди.

4. Ижтимоий суғурта бадали. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маблағлари манбалари ичида келиб тушиш ҳажми бўйича ягона ижтимоий тўловдан кейинги ўриндаги аҳамиятга эга даромад манбаси ҳисобланади. Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларининг ставкаси 2018 йил ҳолатига кўра 8 фоизни ташкил қиларди. Бу йиллар давомида кўтарилиб келди. 2019 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари бекор қилинди.

5. Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар. Маълумки, юридик шахслар томонидан мақсадли жамғармаларга белгиланган ставкаларда мажбурий ажратмалар ўтказиб борилади, жумладан, Пенсия жамғармасига ҳам. Юридик шахслар томонидан 2017 йилда Пенсия жамғармасига товар(иш, хизмат)ларнинг айланмасидан 1,6 фоиз миқдорда мажбурий ажратма ўтказилган. Юридик шахсларнинг солиқ юки юқорилиги сабаб, солиқ тизимида бир мунча ўзгаришларни амалга оширишга сабаб бўлди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон Қарори билан 2018 йил 1 январдан бошлаб юридик шахсларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармасига ва бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаларига ажратаётган мажбурий ажратмалари соддалаштирилди ва умумий 3,2 фоиз (46,88 (1,5%) фоизи – Пенсия жамғармасига; 43,75 (1,4%) фоизи – Республика йўл жамғармасига; 9,37 (0,3%) фоизи – Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига) этиб белгиланди. Сўнгра, 2018 йилда солиқ тизимида амалга оширилган тўб ислохотлар натижасида ишлаб чиқилган янги Солиқ Концепциясига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон Қарори билан 2019 йил 1 январдан Пенсия жамғармасига тўланадиган юридик шахсларнинг мажбурий ажратмалари бекор бўлди ва ягона солиқ тўловидан ажратмалар (ПҚ-4086-сон Қарорнинг 7 иловаси) белгиланди, яъни, ягона солиқ тўловидан шаклланадиган маблағларнинг тақсимланиши қуйидагича белгиланган:

- 46 фоизи – Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига;
- 46 фоизи – Пенсия жамғармасига;
- 4 фоизи – Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига;
- 4 фоизи – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига.

6. Пенсия жамғармасининг даромад манбаларини мустаҳкамлаш. 2019 йил 1 январдан бошлаб пенсия тизимида амалга оширилган ўзгаришлар албатта бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларига ўзининг таъсирини кўрсатди. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон Қарорининг 4 иловасига асосан Пенсия жамғармасининг 4 700,0 млрд.сўм миқдордаги субсидия олишига сабаб бўлди. Шунингдек, 2019 йил 1 январдан бошлаб Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини

яхшилаш жамғармаси ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаларининг тугатилиши муносабати билан уларнинг бўш қолган пул маблағларибюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказиб берилди.

7. Пенсия жамғарасидан тўланувчи нафақалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПК-4086-сон Қарори билан Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланадиган зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа (2019 йил 1 январ ҳолатига 243 300 сўм) ва дафн маросимлари учун тўланадиган нафақалар (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 июндаги 174-сон қарорига асосан ЭКИХнинг 4 баробари миқдорида) 2019 йил 1 январдан бошлаб давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлаб берилади.

8. “Давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш Концепцияси.” Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш бўйича Концепция лойиҳаси ишлаб чиқилди ва халқ учун кенг муҳокамага қўйилди.

9. Пенсия жамғармасининг даромад ва харажатлари. Пенсия таъминоти тизимида амалга оширилаётган ислохотлар албатта бюджетдан ташқари Пенсия жағармасининг даромад ва харажатларига ўз таъсирини кўрсатди. Пенсияларга берилаётган имтиёзлар, 2019 йилда амалга оширилиши керак бўлган вазифалар Пенсия жамғармасининг харажатларини ошишига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида мазкур ислохотлар натижасида белгиланган вазифаларни жамғарма томонидан амалга оширишда давлат бюджетидан 4700,0 млрд.сўм миқдорида бюджет субсидияси берилиши белгиланди. Бу жараён ҳозирда ҳам давом этмоқда.

10. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими. Ўзбекистонда 2 хил кўринишдаги пенсия тизимлари мавжуд. Яъни, давлат пенсия таъминоти тизими ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими. “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ 2005 йилнинг 1 январидан Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими жорий этилган бўлиб, АТ Халқ банкида очилган махсус ҳисобварақларда жамғариб борилади. Жамғариб бориладиган пенсиянинг ихтиёрий ва мажбурий кўринишлари мавжуд. Ўзбекистонда мажбурий кўриниши кенг тус олган бўлиб, даставвал ишчининг ойлик иш ҳақиға нисбатан 1 фоиз миқдорда, 2018 йилдан бошлаб 2 фоиз миқдорда ва 2019 йил 1 январдан эса 0,1 фоиз миқдорда тўланиши белгиланди.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда сўнгги йилларда пенсия таъминоти тизимида амалга оширилган ислохотлар натижасида тизимдагимавжуд бир қанча муаммолар бартараф этилди. Шунингдек, ишловчилар ва пенсионерлар учун бир мунча енгилликлар берилди. Жумладан, 2017 йил март ойидан пенсионерларга пенсиялар тўлиқ нақд кўринишда берилмоқда, ишловчи пенсионерлар учун пенсиялар тўлиқ миқдорда берилишни бошлади, пенсиялар миқдорини ошириш мақсадида пенсияни ҳисоблаш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 8 баробардан 10 баробаргача оширилди, фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинadиган суғурта бадаллари бекор қилинади. Бундай механизм Россия ва Украина қонунчилигида ҳам мавжуд. Энг муҳими, янги қабул қилинган Солиқ Концепциясига кўра 2019 йилдан жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ставкаси 12 фоиз этиб белгиланиши ишловчиларнинг ихтиёрида маълум бир миқдордаги маблағларнинг қолишига эришилади. Бунинг натижасида, ҳам меҳнатда банд аҳолининг, ҳам ишловчи пенсионерларнинг даромадлари сезиларли равишда ошишига олиб келди.

Хулосадан келиб чиқиб, пенсия таъминоти тизимидаги ислохотларни янада жадаллаштириш, кекса ёшдаги, меҳнат қобилятини юқотган, боқувчисини юқотган, кўп болали ва эҳтиёжманд oilаларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш керак:

– Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдorigа ўрнатилган чекловни бекор қилиш керак. Ушбу чеклов мавжуд бўлар экан бўлажак пенсионер тўлиқ пенсия (эркаклар учун – 60 ёш, камида 25 йил меҳнат стажи, аёллар учун – 55 ёш, камида 20 йил меҳнат стажи) (Қонун, 1993) дан тўлиқсиз пенсия (эркаклар учун – 60 ёш, камида 7 йил меҳнат стажи, аёллар учун – 55 ёш, камида 7 йил меҳнат стажи)ни танлайди. Чунки, ҳар бир фуқаро ўзи меҳнат қилиб топган даромадидан келиб чиқиб пенсия олиши мақсадга мувофиқдир.

– Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимини тартибга солувчи қонун ва қонуности ҳужжатларнинг кўплиги пенсия таъминотининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни яъни барчасини умумлаштирган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Пенсия Кодексини ишлаб чиқиш керак.

– Ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал меҳнат стажини (ҳозирги кунда 7 йил) халқаро меъёрларга етказиш мақсадга мувофиқ. Чунки, “Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида”ги 102-сонли Конвенциясида ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этилган энг кам стаж 15

йил қилиб белгиланган. Дунёнинг кўплаб давлатларида, жумладан МДХ давлатларида, талаб этилган энг кам иш стажи 10 – 15 йилга етказилган.

– Ўзбекистонда пенсия ёшени босқичма-босқич ошириб бориш яъни, эркаклар учун – 63 ёш, аёллар учун – 58 ёшгача ошириш керак. Чунк, амалдаги пенсия ёши (эркаклар учун – 60 ёш, аёллар учун – 55 ёш) 1956 йилда белгиланган. Уша даврда мамлакатда ўртача умр кўриш ёши 47 ёшни ташкил этган. Ҳозирги кунга келиб мазкур кўрсаткич 73,8 ёшни ташкил этмоқда. Бу эса пенсия ёшени оширишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумоти.
2. Ш.Давронов. Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепцияси: жорий ҳолати, омиллари ва устувор йўналишлари. Молиячи маълумотномаси бюллетени. 2018 ноябр №11 (83) сон. 9-бет.
3. 2019-2030 йилларда давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш Концепцияси. Манба: www.pfru.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг расмий веб сайти.
4. Averting the Old Age Crisis. A World Bank Policy Research Report. Published for the World Bank Oxford University Press. 1994. pg 2.
5. Турсунов Ж.П. Пенсия тизимини ислоҳ этишнинг хориж тажрибаси. Молиява банк ишижурнали 2 (2022), 108-113.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018. Манба: www.president.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб сайти
7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари.
8. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги Қонун
9. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 938-ХII-сон Қонунининг 7-8 моддалари. Манба: www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий баъзаси.